

Иккінчиси, мінтақаларда әзтибордан четда қолған ресурслардан фойдаланаётгандылыгини ифодалайдын күрсаткічлар. Барча мамлакатларда самарада фойдаланилмаган ва әзтибордан четда қолған ресурслар мавжуд. Масалан, ер, сув, ишчи кучи (иш билан таъминланмаганлар), капитал ва бошқалар. Мінтақалар ушбу ресурслардан самарада фойдаланиш ҳисобида яратылған маҳсулот хажмини ифодалайдын күрсаткіч бүйіча ҳам баҳоланса, мінтақаларда әзтибордан четда қолған ресурслардан ҳам самарада фойдаланилади. Масалан, барча вилоят ва туманларда мөхнат қилиб даромад топиш истагини билдирувчилар жуда күп. Бизлардың тахминий ҳисобларимиз бүйіча улар ҳар бир вилоятта камида 400-500 кишини ташкил этади. Улар кунлик мөхнат бозорида

даромад топиш мақсадида таклиф этилади. Демек, улар мінтақаларда самарада фойдаланылмаган ресурслар, яратылмаган маҳсулоттар ҳисобланади.

Учинчisi, мінтақалар туристик салоҳияттан фойдаланғанлықни ифодалайдын күрсаткічлар. Мінтақаларимиз жуда катта туризм ва рекреация салоҳиятига әга, уларда жами 7,4 минг маданий мерос объектлари мавжуд [10]. Бунда ҳар бир мінтақа турзим тармоғини ЯҲМ таркибидаги улуши бүйіча ҳам баҳоланса мақсадға мувофиқ бўларди. Умуман олганда таклиф этилаётган күрсаткічлар тизими мінтақаларни ЯҲМ ишлаб чиқаришда фаоллигини оширади. Мінтақаларда узоқ йиллар давомида әзтибордан четда фойдаланилмай келаётган иқтисодий ресурслардан самарада фойдаланишга эришилади.

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Низомов А., Рашидов М. «Мінтақа ривожланиши стратегияларини ишлаб чиқишида әрқин иқтисодий зоналар салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш модели». Стратегическое планирование-важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регионов: материалы Форума экономистов/под общей редакцией. Т.Ахмедова./Ташкент: IFMR, 2019, 439-444. С.

2. Отабоев Ш. «Худудлар рейтингини баҳолаш методикасини тақомилластириши» Стратегическое планирование-важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регионов: материалы Форума экономистов/под общей редакцией. Т.Ахмедова./Ташкент: IFMR, 2019, 445-448. С.

3. Вдовин С.М.Стратегия и механизмы устойчивого развития региона: Монография-Москва.: Инфра,2015-154 с.; [www.dx.doi.org/10.12737/5325](http://www.dx.doi.org/10.12737/5325)

4. Кущенко Е.И., Т.И. Герасименко. Стратегическое планирование устойчивого развития региона. Вестник Оренбургского государственного университета.-2011.-№13(132)-С.294-301.

5. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотларида мінтақаларда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўйдан-йилга ошгани кўрсатилган.

6. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

7. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

8. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари (Банд аҳоли сонининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонига нисбати). [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

9. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.: «Mehnat», 2004. 280 Б.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611 сон Фармони.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Ҳамдамов Шоҳ-Жаҳон Раҳмат ўғли -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги  
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг  
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази таянч докторанти**

**Аннотация.** Мақолада бугунги қунда иқтисодиётнинг таркибида энергетика ва металургия тармоқлари, хусусан нефт ва газ саноати, кўмир конларининг экология ва атроф мұхит, инсоният саломатлигига етказилаётган зарари ва унинг оқибатлари таҳлил этилган. Энергия самарадорлигини ошириш ва атроф-мухитга таъсирни камайтириш, хусусан, муқобил энергияга ўтиши бүйіча назарий ва амалий тавсиялар берилган. Мамлакатда яшил иқтисодиётни ўлчаш халқаро кўрсаткічларининг Ўзбекистондаги ўрни таҳлил этилган, Ўзбекистон давлат статистика маълумотларида йўқ кўрсаткіч муаллиф томонидан эконометрик формуллар асосида аниқланган. БМТ Бош Котиби Антонио Гуттеррес 2019 йилдаги «Жаҳон Атроф-Мұхит Кунига Бағишланган Баённомаси», ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сонли «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиши стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижросини сифатли ва самарада таъминлаш бүйіча бир неча таҳлиллар амалга оширилган ва илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқылган.

**Асосий тушунчалар.** Ўзбекистон, иқтисод, иқлим ўзгаришлари, атроф-мухит, энергетика саноати, кўмир саноати, глобал иссиш.

**Аннотация.** В статье проведен анализ влияния на окружающую среду и на здоровье людей энергетического и металлургического секторов, включая нефтегазовую отрасль, угольные шахты. Разработаны теоретические и практические научные рекомендации по повышению энергоэффективности и снижению воздействия на окружающую среду, в частности по переходу на альтернативную энергетику. Проведено исследование и дана оценка показателей зеленой экономики Республики Узбекистан на основе мирового опыта развитых зарубежных стран. Недостающие данные были восстановлены путем экстраполяции и других эконометрических методов. Проведен анализ и разработаны научно обоснованные рекомендации по качественному и эффективному исполнению Декларации Генерального секретаря ООН Антонио Гуттерриша о Всемирном дне окружающей среды в 2019 году и Указа Президента Республики Узбекистан от 4 октября 2019 года ПП-4477 «Об утверждении стратегии по переходу Республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019-2030 годов».

**Ключевые слова.** Узбекистан, экономика, изменение климата, окружающая среда, энергетика, угольная промышленность, глобальное потепление.

**Abstract.** The article analyzes the impact on the environment and human health of the energy and metallurgical sectors, including the oil and gas industry, coal mines. Theoretical and practical scientific recommendations have been developed to improve energy efficiency and reduce environmental impact, in particular on the transition to alternative energy. The study is conducted and the indicators of the green economy of the Republic of Uzbekistan are estimated based on the world experience of developed foreign countries. The missing data were restored by extrapolation and other econometric methods. The analysis is carried out and scientifically based recommendations for the high-quality and effective implementation of the Declaration of the UN Secretary-General Antonio Guterres on World Environment Day in 2019 and the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 4, 2019 PP-4477 "On approval of the strategy for the transition of the Republic of Uzbekistan to" green "The economy for the period 2019-2030".

**Keywords.** Uzbekistan, economy, climate change, environment, energy industry, coal industry, global warming.

**Кириш.** Бугунга келиб бутун дунёда – катта шаҳарлардан кичик қишлоқларгача – одамлар ифлос ҳаво билан нафас олмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳаво сифати қоидаларига мувофиқ бутун дунёда ўнта одамдан тўққизтаси ҳавони ифлословчи моддаларга дуч келмоқда. Бу сайёрамиздаги умр кўриш давомийлигини пасайтирум оқда ва иқтисодиётимизга зарар етказмоқда.

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси “Париж битимиши” (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилди[1] ва уни амалга ошириш юзасидан миллый миқёсда белгиланадиган хисса бўйича – 2030 йилга қадар иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 10 фоизга қисқартириш миқдорий мажбуриятини қабул қилиди. Париж битими мажбуриятларини бажариш доирасида иқтисодиётнинг энергия санарадорлиги етарли даражада эмаслиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, технологиялар янгиланишининг сустлиги, «яшил» иқтисодиётни ривожлантириш учун инновацион ечимларни жорий этишда кичик бизнеснинг фаол иштирок этмаётгани миллый иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг устувор мақсадларига эришишга тўсқинлик қилмоқда[2].

**Қўлланилган материаллар ва услублар.** Ушбу мақолада Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг барқарор ривожланиш, яшил иқтисодиётни таъминлаш, инклузив ўсишга бағишиланган илмий асарлари ўрганилган. БМТ Бош Котиби-

нинг 2019 йилдаги «Жаҳон Атроф-Муҳит Кунига Бағишиланган Баённомаси», ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сонли «2019 - 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қароридан фойдаланилди.

Тадқиқот диалектик дунёқараш тамоилилари асосида бажарилди. Яшил иқтисодиёт мақсадларига эришишда атроф-муҳитга таъсирни камайтириш масаласини ўрганишда иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга узвийликда қаралиб, тизимли ёндашув услуги қўлланилди. Маълумотлардан хулоса чиқаришда мантикий таҳлил, синтез, умумлаштириш, индукция ва дедукция ва Q методологияси усулларидан фойдаланилди.

Q методологияси - бу сифатли таҳлил қилишда тизимлаштирилган статистик ёндашув (Браун, 1993; Уоттс ва Стеннер, 2005), бу мунозарали мавзудаги мавжуд архетипик истиқболларни аниқлаш учун субъектив истиқболларни текширишга имкон беради. Ундан барқарорлик ривожланиш фанидаги турли масалалар бўйича эксперт нуқтаи назарини аниқлаш учун кенг фойдаланилган. Усул амалий масалаларда, масалан, лойиҳаларни бошқариш (Гилберт Сильвиус ва бошқалар, 2016), қишлоқ инновацияси (Германс ва бошқалар, 2012) ва маданий экотизим хизматларини маҳаллий тушуниш (Винклер анд Ничолас, 2016) каби масалаларда қўлланилиши мумкин. Шу билан бирга, ушбу тадқиқот учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган мисоллар, барқарорлик

муҳокамаларини эчишда Q методологиясидан фойдаланиш (Баррӣ анд Проопс, 1999), шу жумладан экотизим хизматларини тадқиқ қилиш ва сиёсатни ишлаб чиқишдаги мунозарали масалаларда (Хермелингмеиер анд Ничолас, 2017; Сандроок ва бошқалар) (2013) фойдаланилган. Q методологияси «кўп, потенциал мураккаб ва ижтимоий мунозарали жавобларга эга бўлган тадқиқот саволларига аниқлик киритадиган кучли тадқиқот методи саналади (Watc анд Стеннер, 2005, п. 75) ва шу сабабли ушбу тадқиқот учун айниқса мос келади.

**Илмий адабиётлар обзори.** Рус тадқиқотчиси К.Берденованинг фикрича, «Яшил» иқтисодиёт - бу сўнгги йигирма йил ичидаги пайдо бўлган иқтисодиёт фанидаги тенденция бўлиб, унда иқтисодиёт ўзи яшаб турган ва унинг бир қисми бўлган табиий муҳитнинг боғлиқ бўлган таркибий қисми ҳисобланади[3].

Бир гуруҳ Россия олимлари проф. Шарофутдинов бошчилигига ҳудудларда инклузив ўсиш индексини ҳисоблаш бўйича тадқиқот олиб боришиди[4]. Унда Соғлиқни сақлаш, атроф-муҳит экология кўрсаткичлари таҳлил этилиб, кутилаётган умр кўриш кўрсаткичларига, ичимлик сувининг мавжудлиги ва ифлосланиш омилларига минтақадаги энергия, хусусан, нефт ва газни қайта ишлаш корхоналари ўз фаолияти давомида экологияга чиқариятган зарарли газлар бевосита салбий таъсир ўтказаётгани аниқланди.

Бундан ташқари, БМТ Бош Котиби Антонио Гуттеррес 2019 йилдаги «Жаҳон Атроф-Муҳит Кунига Бағишлиланган Баённомаси»да[5]. Ҳукуматларга ифлослантирувчи манбаларга солиқ солиш; ёнилғидан олиандиган субсидияларни тугатиш ва янги кўмир заводларини курилишини тўхтатиш ҳақида хабар жунатганини таъкидлаб, “Тўғри ҳарарат қилиш вақти келди. Яшил иқтисодиётга қулранг иқтисод керак эмас”, - дея БМТга аъзо давлатлар ҳукуматларига мурожаат қилди.

Санкт-Петербург давлат университети фан номзоди Ю.Булгакованинг фикрича «Яшил» иқтисодиётни узоқ муддатли истиқболда инсон фаровонлигини оширишга олиб келадиган, тежамкор ва паст углеродли иқтисодиётга ўтиш бўйича комплекс чора-тадбирлар деб аташ мумкин[6].

Яшил иқтисодиётнинг самарадорлиги ва унинг ривожланишнинг иқтисодий барқарорлигини оширишга таъсири тўғрисидаги

маълумотни ЭЕА (Эвропа атроф-муҳит агентлиги) веб-сайтида топиш мумкин. Таъкидланишича, «яшил» иқтисодиёт экотизимларнинг сақланишини таъминлайди, шу билан бирга мамлакатнинг ҳаракатчанлик, озиқовқат, энергия ва ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжларини қондиришнинг этарли даражасини таъминлайди[7].

Россиялик мутахассис Бобилевнинг фикрича, атроф-муҳит мунозараларидан узоқлашишга ва муаммога “Анъанавий иқтисодчи” нуқтаи назаридан қараш керак: иқлим ва атроф-муҳит омилларини ҳисобга олиш учун иқтисодий назарияда нима этишмайди? Иқлим ўзгариши ҳар бир мамлакатга қандай таъсир қиласи? Биз ўз тадқиқотларимизни ушбу саволларга Ўзбекистон мисолида ечим топишга бағишиладик.

**Асосий қисм.** Барқарорликнинг учта асосий тамоили дунё миёсида ҳалқаро ва миллий сиёсатни маълум қиласи: айланма иқтисодиёт (Circular Economy), яшил иқтисодиёт (Green Economy) ва Биоиқтисодиёт (Bioeconomy)[8]. Баъзи олимлар, шунингдек бизнинг ҳам фикримизча биоиқтисодиётни яшил иқтисодиётнинг бир қисми сифатида қараш мумкин. Ушбу тушунчалар иқтисодий, экологик ва ижтимоий мақсадларни мувофиқлаштириш учун турли хил эчимларни таклиф қиласи (1-жадвал).

**Натижалар.** Бизнинг назаримизда, иқтисодий воқелик ўзгармоқда. Иқлим ўзгариши давом этмоқда, ундай эмас - дунёда улар энергия тежашга юзлаб миллиард доллар ва евро сарфлашади, ҳар қандай ҳолатда ҳам янги технологиялар яратилади. Аллақачон ўнлаб миллиард доллар евро маблағ паст углеродли иқтисодиётга йўналтирилди (энергия самарадорлигини ошириш ва атроф-муҳитга таъсирни камайтириш), нафақат иқлим ўзгаришига қарши қурашиш, балки янги иқтисодиётга ўтишнинг бир қисми сифатида. Ва бу 2 омил: *иқлим ва инқирознинг ўзаро боғлиқлигини ўрганишга ундаиди*.

Евropa Иттилоғи 2022 йилга келиб CO2 чиқиндиларини 20 фоизга камайтириш, энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини улушкини 20 фоизга етказиши режалаштиримоқда. Америка Кўшма Штатлари ҳукумати иссиқхона газлари чиқиндиларини 2050 йилга келиб 50 фоизга ва 2080 йилга келиб 80 фоизга камайтириш ниятида[9].

**Барқарорликни Q методологияси бўйича таҳлили**

**Иқтисодий барқарорлик**

Айланма иқтисодиёт (Circular Economy)	Қайта ишланадиган маҳсулот ва хизматлардан саноат даражасида иқтисодий фаровонликни ошириш, Қайта ишлунувчи маҳсулотлар – "Recycling products"ни ишлаб чиқариша пластик ва металл буюмлардан хом-ашё сифатида кенг фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
Яшил иқтисодиёт (Green Economy)	Экотизимни асраш ва уни яхшилашга товар ва хизматлардан саноат даражасида иқтисодий фаровонликни яхшилаш ва молиявий оқимларни ўйнальтириш ва табиий капиталга инвестициялар орқали молиявий натижаларга эришишни таъминлаш;
Биоиқтисодиёт (Bioeconomy)	Биотехнология ва агро-экологик усуллар ёрдамида био-маҳсулотлар ишлаб чиқариши тақомиллаштириш эвазига иқтисодий фаровонликни ошириш.

**Атроф-муҳит барқарорлиги**

Айланма иқтисодиёт (Circular Economy)	Ишлаб чиқариш ва истеъмол материаллари оқимининг ёпилиши туфайли ресурслар ва атроф-муҳитга боғлиқликнинг пасайиши;
Яшил иқтисодиёт (Green Economy)	Табиатни асраш, тиклаш ва табиатга асосланган ечимлар орқали табиий капитал ва тегишли экотизим хизматларини кенгайтириш;
Биоиқтисодиёт (Bioeconomy)	Қайта тикланмайдиган энергия манбаларидан қайта тикланадиган энергия манбаларига боғлиқликни қайта тақсимлаш ва агроэкологик ва технологик ёндошувлар ёрдамида биологик асосда биологик кўшимчалар ва биологик кўшимчаларни ишлаб чиқиш орқали атроф-муҳитга таъсирни камайтириш.

**Ижтимоий барқарорлик**

Айланма иқтисодиёт (Circular Economy)	Чиқиндиларни камайтириш, қайта ишлашга мўлжалланган саноат кластерлари орқали ҳудудларни ривожланиш ва трансформациялар;
Яшил иқтисодиёт (Green Economy)	Экотизим менежменти харажатлари ва фойдаларини биргаликда ва адолатли тақсимлаш; экотуризмни ва биологик хилма-хилликка асосланган бошқа бизнесни ривожлантириш;
Биоиқтисодиёт (Bioeconomy)	Бирламчи ишлаб чиқарувчилар ва био-саноат кластерлари орқали ҳудудий ривожланиш.

*Изоҳ. Жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.*

Таҳлил натижасида шу маълум бўлдики Ўзбекистонда углерод интенсивлиги жуда юқори бўлиб 19.26 ни ташкил этади, бў курсаткич ривожланган далатларда ўртача 0.5 га тенг. Бу Ўзбекистонда атмосферани ифлослантириш ҳисобига иқтисодиётни ташкил этиш кўрсаткичи юқорилигини билдиради. Бу хорижий олимлар манбааларида "Кулранг иқтисодиёт" деб юритилади.

Ифлосланган ҳаво ҳар йили тахминан 7 миллион одамнинг ўлимига сабаб бўйлоқда ва астма каби узоқ муддатли соғлиқ муаммаларини келтириб чиқарадиган кассаликларга ва болаларнинг ақлий ривожланишини камайтиради. Жаҳон банки маълумотларига кўра, ҳаво ифлосланиши ҳар йили жамиятга 5 триллион доллардан зарар келтирмоқда[12].

**Мамлакатлардаги Углероднинг интенсивлиги[10]**  
(CO2 чиқиндиларининг кг / харид қобилияти паритети асосида  
ҳисобланган ялпи ички маҳсулот)

	<b>Мамлакат</b>	<b>Углероднинг интенсивлиги</b>
1.	Буюк Британия	0.3
2.	Германия	0,4
3.	Канада	0,6
4.	Норвегия	0,3
5.	Франция	0,2
6.	АҚШ	0,6
7.	Финляндия	0,5
8.	Швеция	0,2
9.	Япония	0,4
10.	Эвропа Иттифоқи	0,3
11.	Россия	1,2
12	Ўзбекистон	19

## МАКРОИҚТІСОДИЙ СИЁСАТ

$$\begin{array}{l}
 \text{Мамлакаттардаги} \\
 \text{Углероднинг} \\
 \text{интенсивлиги} \\
 = \frac{\text{Atmosferaga chiqarilgan} \\
 \text{ifloslantiruvchi moddalar} \\
 \text{харид қобилияти паритети} \\
 \text{асосида ҳисобланган ялпи ички} \\
 \text{маҳсулот}}
 = 853500 \text{кг}/443,2/100 = 19,26
 \end{array}$$

**Формула 1. Ўзбекистонда углерод интенсивлигини аниқлаш[11]**

Мисол учун, шамол тезлиги 4 м/с дан ортганда ҳаводаги чанг миқдори ўрмонларда 5-20 мкг/м3, даштларда 20-100 мкг/м3, Ўрта Осиёning қуруқ сахро ва чўлларида 100-150 мгк/м3 га етади. 6 йил давомида ишлатилган ўртача автомобиль атмосферага 9 т CO2, 0,9 т CO, 0,25 т NOx и 80 кг углеводород чиқаради.

2010 йилдан 2018 йилгача атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори қарийб 1,3 баробарга ортган ва 2018 йили 2,442 млн. тоннани ташкил этган. Бундан 65 % ёки 1 млн. 560 минг тоннаси автомототранспорт воситалари ҳиссасига тўғри келади. Йирик шаҳарларда, мисол учун Тошкент шаҳрида эса бу кўрсаткич 80%ни ташкил этади[13].

Атмосфера ифлослантирувчи моддаларнинг кўпі ҳавони исиб кетишга олиб келади. Қора углерод бунинг мисолидир. Дизель двигателлар, чиқиндилар ва бошқа ифлосли ҳаволар нафас олаётганда жуда зарарли ҳисобланади. Бундай ифлослантирувчи моддаларни қисқартириш нафақат саломатликни

яхшилади, балки кейинги бир неча ўн йиллар давомида глобал даражадаги иссиқлик даражасини 0,5 даражагача қисқартириши мумкин.

Жаҳон банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг саъй-ҳаракатлари билан, Минг йиллик Ривожланиш Мақсадлари доирасида 15 йил олдин дунё тегишли кўрсаткичларни ихтиро қилди. Макроиқтисодий томондан - атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва табиий захираларнинг камайишини Жаҳон Банки (ЖБ) "Тузатилган аниқ жамғарма" кўрсаткичи орқали ифодалайди (З-жадвалга қаранг). Энг катта камчилик - бу табиий капиталнинг камайиши. Жаҳон банки, табиий капитални таназзулга юз тутган ва инсон ва жисмоний капиталга инвестицияларни қопламайдиган мамлакат беқарор ривожланмоқда, деб ҳисоблайди. Афсуски Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич ҳеч бир манбаларда келтирилмаган, жумладан давлат статистика қўмиласи эълон қилган маълумотларда ҳам.

### 3-жадвал

**ЖБ "Тузатилган аниқ жамғарма" кўрсаткичилари  
(WB net adjusted savings)**

Мамлакат	Тузатилган аниқ тўпланган маблағлар (% да)	Мамлакат	Тузатилган аниқ тўпланган маблағлар (% да)
Япония	15,8	Россия	13,8
Германия	12,1	Чехия	14,7
Франция	11,4	Полша	7,8
Буюк Британия	6,9	Украина	4,1
Канада	5,4	Хитой	36,1
АҚШ	4,1	Ҳиндистон	20,6

Ушбу кўрсаткич қанча кам бўлса, ўша мамлакатда атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва табиий захираларнинг шунча камлигини билдиради.

**Муҳокама.** Мамлакатимизда 2015 йилда «Ўзбекистон Республикасининг Паст углеродли ривожланиш стратегияси»[14] қабул қилинган. Унга мувофиқ 2030 мамлакат энер-

гетика балансидаги ТЭМ (сув, қуёш ва шамол энергетикаси) улушкини 10 фоиздан 20 фоизга, қўмирникини 5 фоиздан 15 фоизга ошириш, газдан электр қуввати олиш улушкини эса 85 фоиздан 65 фоизга тушириш кўзда тутилмоқда. Хуп, БМТ бош котиби бутун давлатларни янги кўмир заводларини қурилишини тўхтатишга чорлаётган бир даврда биз

кўмир ишлаб чиқаришни оширишимиз нақадар тўғри?

Иқлим муаммолари билан боғлиқ давлатлар янги инновацион диверсификацияланган, Модернизация қилинган моделни яратмоқдалар ва халқаро прогнозларга қараганда 20-30 йилдан сўнг газ ва нефтга эҳтиёж кескин камаяди. Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибида энергетика ва металлургия тармоқлари етакчи соҳалар қаторига киради. Бу юқори углеродли иқтисодиёт ёки кулранг иқтисодиёт деб ҳам юритилади.

Ижтимоий муаммолар, масалан, даромад етишмовчилиги, қашшоқликнинг юқори даражаси ва катта углерод капитали бўлган мамлакатлар учун ЯИМ, бу деградацияни яширадиган мутлақо виртуал нарсаларни намойиш этади. Германиялик тадқиқотчилар *Стиглitz* ва *Сеине* томонидан иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий тараққиётни ўлчаш тўғрисидаги ҳисобот эълон қилинди. ЯИМ атроф-муҳитнинг ўзгариши ёки барқарорликни ҳисобга олмайди. Ялпи ички маҳсулотга бўлган эътибор қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради: улар сиёсий раҳбарлардан максимал даражада ўсишни талаб қилмоқдалар ва фуқаролар ҳавфсизликни талаб қилмоқдалар, сув ва ҳавонинг ифлосланишини камайтирадилар, шовқинни камайтирадилар ва бу ЯИМнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Шу учун, ЯИМ жуда кўп давлатлар қаторида Ўзбекистон учун ҳам зарарли кўрсаткичдир.

Киото протоколи[15] инсониятнинг ажойиб назарий ихтироси: давлатлар тўпланиб, ҳаво билан савдо қилишларига келишдилар. Мутлақо сунъий бозор: унинг остида нархлар тизими, биржа, иқлим солиқлари жорий этилган; Европада ортиқча иссиқхона газлари учун ажойиб солиқ жорий этилди. Инсоният бутунлай янги иқтисодий воқеликни яратади. Бир томондан, бу мутлақо спекулятив иқтисодиётдир. Бошқа томондан, бу замонавий анъанавий бозор иқтисодиётининг, умуман олганда, атроф-муҳитга қарши таъсир кўрсатадиган озгина натижаларидан бири бўлиши мумкин. Ва агар биз уни баъзи экологик бозорлар, институционал, ижтимоий таркибий қисмлар билан қуришни тугатмасак ва анъанавий бозор иқтисодиётимизни модернизация қилмасак, бу яхши нарсаларга олиб келмайди.

**Хулоса ва таклифлар.** Хитой ва Ҳиндистон бир хил углерод зичлиги билан боғлиқ бўлган энергия зичлигини камайтириш

бўйича ишлар олиб бормоқда - ва буни бизда ҳам амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқиш лозим. Агар биз иқлим омилини, экологияни иқтисодиётга назария ва амалиётга киритишга ҳаракат қилсак, унда сўнгги 3-4 йил ичидаги глобал миқёсда мұҳомама қилинган экотизим хизматлари муаммосига эътибор қаратиш лозим. Уларнинг қарийб 30таси бор - бутун дунё уларни баҳолашга, пул ишлашга, иқтисодий қарорларни қабул қилиш жараённига қўшишга ҳаракат қилмоқда. Ва бунинг учун биз бир қатор муаммоларни тан олишимиз керак.

**Биринчиси:** иқтисодий назарияга кўра, математик баҳоланмаган нарса мавжуд эмас. Шундай қилиб, биз баҳолаш усулларига мухтожмиз. Жумладан, тадқиқотда ўрганилган (ЖБ) “Тузатилган аниқ жамғарма” кўрсаткичлари, мамлакатда углерод интенсивлиги кўрсаткичлари, интенсивлик кўрсаткичлари ва бошқа яшил иқтисодиётни кўрсатувчи халқаро кўрсаткичларни Ўзбекистонда ҳам ҳисобини юритиш зарур.

**Иккинчиси:** иқлим лойиҳаларига, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга имтиёзлар зарурати. Ҳар қандай иқтисодчи, агар улар 8-10 йил ичидаги қайтмаса лойиҳага сармоя киритмайди. Мамлакатимизда бу 2-3 йилга тўғри келади. Иқлим лойиҳалари ўнлаб йилларга мўлжалланган. Бунга хусусий сектор инвестиция киритадими? Демак, давлатнинг кўмаги зарур.

Биз Ўзбекистоннинг серкүёшлиги, табиий озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашга жуда мос келувчи иқлим мавжудлигини бутун денёга жар солиб, хорижий инвесторлар ва хорижий лойиҳаларни жалб қилишимиз зурур. Уларга имтиёзлар ишлаб чиқиб, солиқлардан озод этиш бўйича давлат ишонч қоғозларини тақдим этиш зурур. Шунинг учун барча мамлакатлар бизга келишлари, бизга катта сармоялар киритишлари, квоталарни сотиб олишлари, мевали дараҳтларни экишлари, бизга янги технологиялар беришлари керак ва бу фақатгина Ўзбекистонга наф келтирмай дунёни қутқаради. Зеро БМТ маълумотларига қараганда ҳозирги кунда дунёнинг ўртача 60 фоиз аҳолисига етади холос. Қолган 40 % талаб сунъий ва кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан қопланади. Шундан фойдаланиб бизда Ўзбекистонда нафақат ўз аҳолимизни балки бошқа давлатлар аҳолиси эҳтиёжларини ҳам таббий озиқ-ов-

қат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятини яратиш учун мос иқлим мавжуд.

Ҳавонинг ифлосланишини олдини олиш икки томонлама имконият тақдим этади, чунки кўумир ёқадиган электр станцияларини камайтириш ва камроқ ифлословчи саноат, транспорт ва маҳаллий ёқилғиларни тарғиб қилиш ҳавони тозалаш ва иссиқхона газларини камайтириш, газ ўрнига кўмирга ўтиш

эмас, қайта тикланувчи энергия манбалари, айниқса қуёш энергиясидан фойдаланишни ташкил этиш заруриятини юзага келтиради.

Глобаллашув ва интеграциялашув шароитида халқаро кўрсаткичларга, хусусан яшил иқтисодиётни намоён этувчи кўрсаткичлар ҳисобини Давлат статистика қўмитасида маълумотлар базасига киритиш зарур.

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. 2018 йил 2 октябрь ЎРҚ—491 сонли “Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 25 сентябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сонли «2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаша тўғрисида»ги қарори

3. К.Берденова, В.Штанг, С.Синцов: «Зелёная» экономика как двигатель устойчивого развития/ научной статьи по экономике и экономическим наукам/2012/ <https://cyberleninka.ru/article/n/zelyonaya-ekonomika-kak-dvigatel-ustoychivogo-razvitiya>

4. R.Sharafutdinov, E.Akhmetshin, A.Polyakova, V.Gerasimov, R.Shpakova, M.Mikhailova: Inclusive growth: A dataset on key and institutional foundations for inclusive development of Russian regions/ Journal Data in brief, Volume 23, April 2019, 103864. <https://doi.org/10.1016/j.dib.2019.103864>

5. БМТ Бош Котибининг Жаҳон Атроф-Муҳит Кунига Бағишиланган Баённомаси, 2019.

6. Ю.Булгакова, С.Набок: Взаимообусловленность понятий «зеленая» экономика, «зеленый» рост и устойчивое развитие/ 2017, Выпуск № 5(59) Май 2017, Политические науки

7. European Environment Agency: Green economy [Electronic resource]. — URL: <http://www.eea.europa.eu/themes/economy/intro>(accessed: 12.03.2017).

8. D.D'Amato, N.Drost, K.J.Winkler, A.Toppinen /2019/Thinking green, circular or bio: Eliciting researchers' perspectives on a sustainable economy with Q method/Journal of Cleaner Production / Volume 230, 1 September 2019, Pages 460-476/ <https://doi.org/10.1016/j.jclepro.2019.05.099>

9. Ю. Литвинова, 2010/От потепления — к технологиям/ <https://iq.hse.ru/news/177674414.html>

10. Жадвал Жаҳон банкининг маълумотлари асосида тайёрланди, Ўзбекистон учун кўрсаткич муаллиф ҳисобкитоблари натижасида аниқланди.

11. Ўзбекистонда углерод интенсивлигини аниқлашда Давлат Статистика қўмитасининг 2017 йил учун берилган маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

12. Жаҳон банки маълумотлари <https://data.worldbank.org/>

13. Б.Алиханов, Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Атмосфера ҳавоси мусаффолигини таъминлаш: муаммо ва ечимлар/ 11.10.2019/ <http://ekolog.uz/?p=1400>

14. Газета.uz, 2015/ТЭМ ҳисобига энергия тизими қуввати 30 фуизгача ошиши мумкин/

<https://www.gazeta.uz/uz/2015/10/16/tem/>

15. Киотский протокол к рамочной конвенции организации объединенных наций об изменении климата — Официальный текст на русском языке, ООН, 1998.

## РОЛЬ ТАМОЖЕННЫХ ОРГАНОВ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Еркебаева Гулайим Рустамовна,  
Мирахатов Миразиз Миразим ўғли -  
слушатели магистратуры Таможенного института  
Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан

**Аннотация.** Ҳозирги вақтда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришида давлатнинг миллий ҳавфисзлик даражасига катта эътибор берилмоқда. Ташқи иқтисодий бекарорлик шароитида миллий ва минтақавий даражада иқтисодий ҳавфисзликни таъминлаш муммосининг долзарбилиги ортиб бормоқда. Мақолада Ўзбекистон Республикаси бўжхона органларининг иқтисодий ҳавфисзлик тизимидағи роли ва ўрни ёритиб берилган, миллий иқтисодий ҳавфисзликни таъминлашда бўжхона органлари фаолиятининг асосий ўйналишлари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳавфисзлигини таъминлашинг асосий тарқибий қисмлари аниқланди. Шу билан биргаликда, бўжхона органлари томонидан мамлакатнинг иқтисодий манбаатларини ҳимоя қилиш воситалари ва усуллари кўриб чиқилди. Статистик маълумотларга таянган ҳолда ташқи иқтисодий фаолият бошқарувининг тариф ва нотарииф чораларининг моҳияти очиб берилди. Қўйилган мақсадга эришиш учун иқтисодий ҳавфисзликни таъминлаш бўйича бўжхона органлари ролининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинди.

**Калим сўзлар.** иқтисодий ҳавфисзлик, давлат ҳавфисзлиги, бўжхона маъмручилиги, валюта назорати, бўжхона тўловлари, бўжхона қиймати.